

Қирғизистон уламолари «Hilol nashr» нашриёт-матбаасига ташриф буюришди



19:40 / 22.11.2021 1975

Бугун, 2021 йил 22 ноябрь куни Қирғизистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Замир домла Ракиев бошчилигидаги делегация Тошкент шаҳридаги фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ асос солган «Hilol nashr» нашриёт-матбаасига ташриф буюришди. «Hilol nashr» нашриёт матбааси ҳамда islom.uz портали раҳбари, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ ва бошқа азизларимиз мартабали меҳмонларни кутиб олиб, ҳамроҳлик қилдилар.

Ташриф давомида меҳмонлар нашриёт босмаҳонаси, ижодий жамоаси ҳамда савдо дўкони билан яқиндан танишдилар. Сўнгра азиз уламоларга тушлик дастурхони безатилди. Меҳмонлар устозимиз, фазилатли шайх

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг дин йўлидаги хизматларини эътироф этиб, у кишининг ишлари давом этаётганидан, солиҳ фарзандларининг меҳнатларидан кўзлари қувнаб, хурсанд бўлишди. Шунингдек, шайх ҳазратларининг асарларини қирғиз тилида чоп этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Кейин азиз уламолар нашриётнинг мажлислар залида 10 та Қуръон хатмонасини шайх ҳазратларига бағишладилар ва Аллоҳ таолодан халқимиз тинчлиги, фаровонлигини сўраб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар бунданда ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши учун хайрли дуолар қилишди

Ташриф сўнгида мартабали меҳмонларга нашриёт томонидан чоп этилган 30 поралик тажвидли мусҳафи шариф ва эсдалик совғалар ҳадя этилди.